

Кириш

Бу китобни ўқий бошлаганингизнинг ўзиёқ сизнинг ҳурматга сазовор инсон эканлигинизни кўрсатади. Демак, сиз янада чуқурроқ ўйлаб, мазмунлироқ ва қувончлироқ яшашга аҳд қилдингиз. Сиз ўз ҳаётингизни шунчаки эмас, ўзингиз хоҳлаган тарзда, режа асосида яшаб ўтказишга қарор қилдингиз. Сизга олқишларим!

“Ўз “Феррари”сини сотган тақсир” туркумидаги иккита китобим чоп этилганидан кейин мутолаа жараёнида ўзлаштирган билимлари туфайли ҳаётини яхши томонга ўзгартирган ўқувчилардан кўплаб хатлар олдим. Уларнинг дил сўзлари мени ҳам ҳаяжонга солди, ҳам илҳомлантирди. Бундан ташқари, уларнинг айрим фикрлари менда ҳаётий сабоқларим туфайли эришган яшаш санъати хусусидаги мушоҳадаларимни янада аниқроқ баён этиб бериш истагини уйғотди. Шу сабабли ҳам бу китобга мен ўқувчиларга бера олишим мумкин бўлган, сизнинг ҳаётингизни ўзгантиришга сабабчи бўладиган яхши ўғитларни тўпладим.

Китоб саҳифаларини тўлдирган сўзларни мен юрагимдан ўтказганман. Унда тақдим этилаётган ўғитлар билан сиз нафақат танишасиз, балки уларни ҳаётингизга татбиқ этасиз, деган самимий ишончим бор. Бу билан сиз ҳаётингизнинг барча соҳаларида ижобий ўзгаришларга эришасиз. Шахсан ўзимга ҳаёт синовлари нима қилиш кераклигини билишнинг ўзи камлигини, балки мана шу билимларга суянган ҳолда, албатта ҳаракатни бошлаб юбориш шартлигини ўргатди – ана шундагина биз ўзимиз истаган тарзда умр кечирамиз.

Шундай қилиб, умидим борки, “Ўз “феррари”-